

Шу тарихда банклар мева-сабзавот ва узум комплексининг барқарор фаолият кўрсатишидан ташқари, унинг иқтисодий салоҳиятини ўстириш, мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари тақчиллигини тўлатиш, унинг сифати ва сақланганлигини кучайтиришга хизмат қилади.

Мева-сабзавот ва узум комплексининг барқарор кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришни таъминлашда унинг фаолиятини суғурталаш катта аҳамиятга. Тармоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш табиий-иқтисодий шaroитларига боғлиқ. Табиий офатлар (совуқ тушиши, дўл уриши ва х.к.) мева-сабзавот ва узум комплекси ходимларининг барча саъй-ҳаракатларини йўққа чиқарган кўп сонли мисоллар ва далиллар мавжуд.

Мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари бозори фаолият кўрсатиши самардорлиги кадрлар таъминоти ва илмий хизмат кўрсатишга ҳам бевосита боғлиқ. Бундай бозорнинг фаолият кўрсатишида давлат ва унинг тузилмалари ҳамфаол иштирок этади.

Шундай қилиб, мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари бозори бирлашган, аҳоли ва жамиятнинг хомашё ва қайта ишланган кўринишдаги сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотларига эҳтиёжини қондириш мақсадида технологик, ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан ўзаро узвий боғланган, турли мулкчилик шаклидаги тармоқлар ва фаолият турлари йиғиндисини ифodalайди. Шу сабабли бундай бозорнинг вазифаси қатнашчиларнинг бир-бирига мос келмайдиган иқтисодий манфаатларини тўла ҳисобга олиш ва аҳолининг тўлов лаёқатига эга бўлган талабни қондириш бўйича яқуний мақсадга эришиш учун манфаатларни самарали уйғунлаштиришга хизмат қиладиган иқтисодий воситалардан фойдаланишдан иборат.

Мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари бозорининг деярли барча субъектлари — қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилардан тортиб то яқуний маҳсулотни сотувчиларгача - банк кредитларига эҳтиёж сезади.

Айрим ҳолатларда банклар масалан, ўзининг банк кредитлари билан мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари қайта ишлаш бўйича кичик корхоналар яратиш бўйича ҳамкорлар, ташкилотчилар ролида иштирок этиши мум-

кин. Шу тарихда банклар мева-сабзавот ва узум комплексининг барқарор фаолият кўрсатишидан ташқари, унинг иқтисодий салоҳиятини ўстириш, мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари тақчиллигини тўлатиш, унинг сифати ва сақланганлигини кучайтиришга хизмат қилади.

Мева-сабзавот ва узум комплексининг барқарор кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришни таъминлашда унинг фаолиятини суғурталаш катта аҳамиятга. Тармоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш табиий-иқтисодий шaroитларига боғлиқ. Табиий офатлар (совуқ тушиши, дўл уриши ва х.к.) мева-сабзавот ва узум комплекси ходимларининг барча саъй-ҳаракатларини йўққа чиқарган кўп сонли мисоллар ва далиллар мавжуд.

Мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари бозори фаолият кўрсатиши самардорлиги кадрлар таъминоти ва илмий хизмат кўрсатишга ҳам бевосита боғлиқ. Бундай бозорнинг фаолият кўрсатишида давлат ва унинг тузилмалари ҳамфаол иштирок этади.

Шундай қилиб, мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари бозори бирлашган, аҳоли ва жамиятнинг хомашё ва қайта ишланган кўринишдаги сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотларига эҳтиёжини қондириш мақсадида технологик, ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан ўзаро узвий боғланган, турли мулкчилик шаклидаги тармоқлар ва фаолият турлари йиғиндисини ифodalайди. Шу сабабли бундай бозорнинг вазифаси қатнашчиларнинг бир-бирига мос келмайдиган иқтисодий манфаатларини тўла ҳисобга олиш ва аҳолининг тўлов лаёқатига эга бўлган талабни қондириш бўйича яқуний мақсадга эришиш учун манфаатларни самарали уйғунлаштиришга хизмат қиладиган иқтисодий воситалардан фойдаланишдан иборат.

У.МУҲИТДИНОВА,
Тошкент Давлат иқтисодий
университети доценти, и.ф.н

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

2. 2008 йilda Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий аҳолиси. Статистика тўламини, Тошкент, 2009. 36 - б.

3. Хусанов Р.Х., Қосимов М. Деҳқон хўжалигини юретишнинг илмий ва амалий асослари. — Т.: Қамолот, 2005. — 123 б.

4. Чориев К.А., Беркинов Б. Деҳқон ва фермер хўжалиқларини ташкил этиш ва юретишнинг ҳуқуқий-меъриий асослари. — Т.: Шарқ, 2002. — 16 б.

5. www.stat.uz

6. <http://www.worldfood.uz>

УДК 334:(635.1/8+634.1)(575.1)

МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ СОТИШ ТИЗИМИДА КООПЕРАЦИЯ МУНОСАБАТЛАРИ

Мамлакатимизда иқтисодиётни барқарор шакллантириш борасида амалга оширилаётган иқтисодий ис-оҳотлар ўз самарасини бермоқда.

Қишлоқда етакчи бўлин — фермерлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий кучга айланди. Фермер хўжалиқларини моддий-техник таъминлаш ва молиялаш бўйича кўплаб моддий ресурсларда молиявий маблағлар ажратилмоқда. Фермер хўжалиқлари билан биргаликда деҳқон хўжалиқлари ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Мева-сабзавот маҳсулотлари хусусий тармоқда иштирилаётган бўлиб, унинг 75—85 фоизи деҳқон

ва фермер хўжалиқлари зиммасига тўғри келмоқда. Шунингдек, мамлакат экспорт салоҳиятининг негизини буғунги кунда ва ўтмишда пахтачилик тармоғи ташкил этаётгани ҳолда мамлакат аграр тармоғида мева-сабзавот маҳсулотларини еттиштириш ва уни экспортга чиқариш борасида жуда катта имкониятлар мавжуд.

Мева-сабзавот маҳсулотлари ички бозорда мамлакат соғиш тизими замон талабларига жавоб бермади, тайёрловчи ва қайта ишловчи корхоналарини тўлиқ мувофиқлашмагани маҳсулот еттиштириш кўпайтириш ва сифатини яхшиланганда салбий таъ-